

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ
“МАТБУОТ” КАФЕДРАСИ**

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

МАВЗУ: Эркин Усмоновнинг журналистик маҳорати

**Битирувчи: ЎзМУ журналистика факультети 4-босқич
кундузги бўлим талабаси
Мансуров Даврон Асильходжаевич**

5320100 – Журналистика

**Илмий раҳбар:
“Матбуот” кафедраси
кат. ўқитувчиси А.Мелибоев**

Тошкент – 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ “МАТБУОТ” КАФЕДРАСИ

(Мансуров Даврон Асильходжаевич)

**Эркин Усмоновнинг журналистик маҳорати
(Журналист томонидан ёзилган китоблар, публицистик мақолалар, эссе,
очерклар мисолида)**

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

ДАК қарори: Битирувчи Мансуров Даврон Асильходжаевичнинг

Битирув иши “.....” балл (“.....” аъло)га баҳолансин

“.....” июн — 2013 йил

ДАК раиси:

ДАК котибаси:

Тошкент-2013

Журналистика факультети “Матбуот” кафедрасининг 2013 йилдаги
_____ - сонли мажлиси баённомаси

КЎЧИРМА

Қатнашдилар: кафедранинг барча аъзолари

Кун тартиби:

Кафедрада **Мансуров Даврон Асильходжаевич**нинг бакалавр ишини кўриб чиқиш ва ҳимояга тавсия этиш.

ЭШИТИЛДИ:

Кафедра мудири Ё. Маматова эълон қилди.

Кафедра битирувчиси **Мансуров Даврон Асильходжаевич** томонидан бажарилган бакалаврлик иши тайёр ҳолда ва уни ҳимояга тавсия этиш мумкин. Талаба танлаган малакавий битирув иши мавзуси: **Эркин Усмоновнинг журналистик маҳорати.**

Мавзу кафедра томонидан тасдиқланган ва тавсия этилган. Талабага илмий раҳбар сифатида **Аҳмаджон Мелибоев** белгиланган. Битирув иши ДАК талабларига жавоб беради: ташқи ва ички тақризларига эга, илмий раҳбари ҳимояга тавсия этган. Ушбуларни инобатга олган ҳолда талабага битирув иши ҳимояси учун рухсат этиш мумкин.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. 4 босқич ўзбек гуруҳи талабаси Мансуров Даврон Асильходжаевичнинг **Эркин Усмоновнинг журналистик маҳорати** мавзусидаги илмий- малакавий битирув иши ҳимояга тайёр деб ҳисоблансин.
2. Мазкур битирув иши ҳимояга тавсия этилсин.

Кафедра мудири:

Ё. Маматова.

Котиба:

Д. Иноятова

Мавзу: “Экин Усмоновнинг журналистик маҳорати”.

Режа:

КИРИШ

1 – БОБ. Журналист, публицист, ёзувчи Эркин Усмонов ижодида журналистика жанрларининг ўрни.

1.1 Публицистика – журналист маҳоратининг кўзгуси.

2 – БОБ. Эркин Усмонов ижодининг мавзу йўналишлари.

2.1. Ижодкорнинг ижтимоий – сиёсий публицистикаси.

2.2. Ижодкорнинг журналистика жанрлари билан ишлашдаги маҳорати.

2.3. Журналист материалларида маънавий – ахлоқий масаларнинг ёритилиши.

3 – БОБ. Эркин Усмонов публицистикасининг тили ва услуби.

3.1. “Театр” журналида чоп этилган мақолалари таҳлили мисолида.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Изоҳлар.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз Оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган ижод аҳлининг ижодий патенциалини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга. Жамиятнингнинг асосий ҳаракатланувчи кучларидан бири бу – журналистлардир. Шу ўринда публицист, ёзувчи, таржимон Эркин Усмоновнинг журналистик маҳорати татқиқот мавзумизнинг ёритилиши билан боғлиқ таҳлилдан мақсад, жамият аъзоларини жонкуяр журналист фаолияти билан таништириш ҳамда юртдошларимизда ижодкор ижодига кенг жамоатчилик эътиборини қаратишдир. Зотан, масалага шундай ёндашадиган бўлсак, мавзунинг нечоғлиқ долзарб эканлиги ойдинлашади.

Ишнинг илмий янгилиги. Эркин Усмонов қаламига мансуб мақолаларнинг аҳамияти ва инсонлар маънавий оламини бойитишда ҳамда инсонлар маданиятни кўтаришдаги ўрнини ўрганиш, Малакавий битирув ишининг илмий янгилигини ташкил этади. Илгари бу хусусида илмий изланишлар олиб борилмаган. Алоҳида тадқиқот объекти қилиниб, малакавий битирув иши сифатида ёритилмаган. Шу боис мавзумиз янги ҳисобланади.

Ишнинг мақсади. Таҳлил жараёни учун боблардан иборат режа тузилди. Шунга кўра биринчи боб — **“Журналист, публицист, ёзувчи Эркин Усмонов ижодида журналистика жанрларининг ўрни.”** деб олинган бўлиб, Эркин Усмоновнинг бизга таниш бўлган журналистик жанрлар билан ишлаш кўникмаси ҳамда ўзига ҳос бўлган маҳорати хусусида сўз боради, иккинчи боб — **“Эркин Усмонов ижодининг мавзу йўналишлари”**дан келиб чиққан ҳолда мақолаларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги билан бир қаторда журналистнинг жанрлар билан ишлаш маҳоратини ўрганишни асосий мақсад қилиб белгиладик.

Ишнинг вазифаси: Малакавий битирув ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унга муайян вазифалар белгиланди. Жумладан, журналист Эркин Усмоновнинг публицистик мақолалари ўрганиб чиқилиб, таҳлил қилинди.

Ишнинг назарий ва методологик асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларини, журналистика соҳасига доир илмий ва бошқа асарларни назарий ва методологик асос қилиб олдик.

Мавзунинг назарий ва амалий асосланганлиги. Мавзуни ўрганиш ва маълумотлар тўплаш жараёнида айтилган мавзу йўналишида қилинган тадқиқотлар, журналист Эркин Усмонов ҳозирги ижодий фаолияти билан танишдик. Бундан ташқари қатор журналлар, бошқа даврий нашр ҳамда www.uza/uz, www.ziyo.net сайтига мурожаат қилдик.

Ишнинг тузилиши. Мазкур малакавий битирув иши кириш, уч боб (ҳар бир боб мустақил фаслдан иборат), хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, мақсад ва вазифалари, назарий ва методологик жиҳатлари асосланган.

Биринчи боб журналист, публицист, ёзувчи Эркин Усмонов ижодида журналистика жанрларининг ўрни деб аталиб, унда журналистнинг оммавий ахборот воситаларидаги журналистик материалларини тайёрлашда журналистика жанрларининг тутган ўрни, мақсад ва вазифалари хусусида гап боради.

Иккинчи боб Эркин Усмоновнинг чоп этилган материалларининг ижтимоий ва маънавий аҳамияти деб номланади, ва айнан газета саҳифаларидаги материалларнинг самарадорлиги, таъсирчанлиги, қолаверса жанрлар мутаносиблигини ўрганамиз.

Хулоса қисмида тадқиқот юзасидан олинган асосий натижалар умумлаштирилган ва тегишли тавсиялар баён этилган.

**I - БОБ. Журналист, публицист, ёзувчи Эркин Усмонов ижодида
журналистика жанларининг ўрни.**

Ўз касбининг ҳақиқий устаси ва фидойиси бўлган, ўзининг ҳаққоний сўзи билан одамларни эзгу мақсадларга сафарбар эта оладиган, эл-юрт манфаати, халқимизнинг бугунги ва эртанги куни учун ёниб яшайдиган сиз, жонкуяр журналистларни мен ўзимнинг суянчим ва таянчим деб билишимни бугун яна бир бор айтмоқчиман.¹

Ислон Каримов.

Республикаимиз истиқлолга эришганидан сўнг ўз миллий бойлигининг эгасига айланди. Нафақат моддий, балки маънавий ўзлигимизни ҳам англаб етдик. Тараққиёт йўлини тутиб, жаҳоннинг барча мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли шартномалар, келишувларга эришдик. Иқтисодий тараққиётида ўз йўлини танлаб, миллий манфаатларига мос ишлаб чиқариш тизимини яратиш имконига эга бўлди. Ниҳоят, халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил ва тенг ҳуқуқли аъзосига айландик.

Республикаимизда турли ислохотлар ўтказилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодий мустақилликни таъминлаш вазифаларини ҳал қилишга киришилди. Бозор муносабатларига ўтишнинг назарий асослари ва мезонлари аниқланди. Бу иқтисодиётнинг мафкурадан холи бўлиши ва унинг сиёсатидан устиворлиги, давлатнинг бош ислохотчи сифатида тутган муҳим роли, иқтисодий ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, халқни ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат, бозор муносабатларига босқичма – босқич ўтишини тегишли шарт – шароитлари яратилганда амалга ошириш. Булар ижтимоий тафаккур хазинасига республика Президенти Ислон Каримовнинг 5 тамойили бўлиб кирди. Мазкур тамойилларга

¹ Каримов И. А.

асосланиб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида ислохотларга оид қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар орқали иқтисодиётимизнинг турли жабҳалари тартибга солиниб, муҳим ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, бугунги кунда ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган Оммавий ахборот воситалари тизимида ҳам қатор қонун нормалари ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилди.

Ўзбекистоннинг ўтиш давридаги асосий вазифаларидан бири бу – иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ҳисобланади.

Бугунги кунда ер қуррасининг олтидан бир қисмида турли ислохотлар давом этмоқда. Бу эса янги тузилган мустақил давлатларда давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказиш муаммолари минтақаларнинг доираларидан ташқарига чиқиб, ҳақли равишда умумжаҳон тусини олганидан яққол далолат беради².

“Жамият ҳаётида муносиб ўрин ва обрў-эътибор қозониш учун бугунги шиддаткор замонда журналист аҳли, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш йўлида олиб бораётган умумхалқ ҳаракатимизнинг энг олдинги сафларида бўлиши шарт, десак, ўйлайманки, ҳаммангиз шу фикрга қўшиласиз. Шу боис мамлакатимизда муҳим сиёсий, иқтисодий-ижтимоий қарорлар қабул қилишда халқ қалбининг кўзгуси бўлиш матбуот фикрини инобатга олиш алоҳида аҳамиятга эга деб ўйлайман”³.

Бадий-таҳлилий публицистика – барча публицистикалар асоси. Бундай бадий-таҳлил публицистика илмий ёндашувни талаб этади ва у таҳлил ўрганиш асосида олиб борилади. Сабаби, бу мезон тарозини тортиб кўрган публицист барча йўналишларда дадил одимлай олади. Энг муҳими, таҳлилий публицистика журналист позициясини чархлайди. Бугунги кун журналистик позицияси материал ёзишда факт ва далилларга қандай ёндашмоқда?

² Каримов И. А. “Ўзбекистон буюк келажак сари”. – Т.: Ўзбекистон, 1999, 69-бет.

³ Каримов И.А. “Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимизга ва қатъий иродамизга боғлиқ”. Ўзбекистон ноширлик-матбаа уйи. 2004й. 12-том.

Қаламга олинган мавзуни қай даражада очиб бера оляпти ва бунда қандай усулни қўллайди? Йўналиши-чи? Айни шу саволларга қониқарли жавоб берган тизим журналист позициясини белгилаб беради. Ўзига хос услубни қўллай олиш учун эса журналист шахс сифатида уйғонган бўлиши зарур. Бу ўз навбатида профессионалик даражасини белгилайди. Эркин Усмоновнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган позицияси мавжуд. Унинг ижод усулида “Мен” – шахс позицияси кузатилади. Асарларида “мен” шахс сифатида баён этилган, шахс инсонларга мурожаат қилинган матераиллар бениҳоят кўп. Журналист позициясини намоён этишда қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга. Эркин Усмонов ўзига хос услубга эга етук бадиий-публицистик, қалам ўткир ижодкор журналист. Эркин Усмоновнинг публицистик маҳорати – бадиий-таҳлилий публицистикада яққол акс этади. Моҳир публицистик ижодкорнинг асар, мақола, ижод намуналарида бадиий-таҳлил публицистика йўналиши кўп учрайди. Чунки, таҳлил жараёнида ижодкорнинг дунёнинг, ижтимоий ҳаётни, жамиятнинг нуқсонлари ва ютуқлари “кўра олиш” қобилияти очиб берилган. Забардаст қаламқаш публицист Эркин Усмонов мақолалари жозибали руҳда ёзилганлигини кўриш мумкин. Эркин Усмонов бугунги кун адабиёт, матбуотнинг ёрқин вакили, ҳар бир инсонга ўрناк бўларли, барчани маърифатга чорловчи бадиий – таҳлилий публицистикаси билан замонни акс эттириб туради. Кимки, бугунги кунда забардаст қадам ташлашни, ўзни англашни истаса журналистнинг ижодий ишларидан ўқиб-ўрганиб, мушаҳада юритиб, ўрناк олсин. Шунда ўзининг фикрий даражасини, чин инсоний қийматини белгилай олади.

Э. Усмоновнинг бадиий публицистик мавзу кўламида икки хил ёндашув мавжуд:

1. Ижодкор танлаган мавзунинг долзарблиги;
2. Муаллиф ёндашувининг моҳияти.

Ҳар икки жиҳати ҳам Эркин Усмоновнинг қаламга олган мавзусининг кўламини очишда муҳим аҳамиятга эга. Мавзу моҳиятини тушунтиришда,

очиb беришда – далил - исбот, таҳлил, муносабат бирламчи вазифани бажаради. Ушбу учлик - бадий композиция, муаммо, ечим асосига курилиши керак. Шунда мавзу кўлами батафсил ўз ифодасини топади. Юқорида келтирилган мавзу кўлами ва учлик жиҳатларини Эркин Усмоновнинг ижодида яққол учратиш мумкин. Эркин Усмонов публицистикасида газета фаолиятида учраган қизиқ ва намунали воқеалар “мен” тарзида берилган. Адибнинг ижод маҳсули ижтимоий муҳит, макон ва замон, муаллиф шахси, ёши таъсирида вужудга келган. Воқеаларни баён этишда мавзунинг ёритиб беришда муаллиф бевосита ёки билвосита иштирок этади. Шунингдек, воқеаларни реалистик ҳолис ёндашув асосида яратади. Бу муаллифнинг “Бу бир буюк саодат эрур”, “Баланд тоғлар устида”, “Созимнинг ажиб сири бор...”, “Китоб кўтарган одам”, “Соҳиби сўз”, “Авлодлар кўприги” каби публицистик мақола, “Биров бўлиб яшаш осонми”, “Ҳайратларга тўла дунё” каби асарларида учрайди. Асарларда муаллиф турли шоиру ёзувчилар ижоди, ижтимоий-сиёсий муҳити, ёшлар маъданияти, кино театр санъатининг бугунги кун ҳолати, қаламкаш ижодкорлар, оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолиятининг сифат ва савияси, тарихий воқеалар, таълим-тарбия, ҳаётдаги маиший воқеа-ҳодисаларни таҳлил этади.

Эркин Усмоновнинг ижод маҳорати, публицистикасининг юқори даража бўлишига, ижоднинг чўққичига олиб чиқишида жамиятни кузатиш, теран фикрлаш, нутқий фаолиятнинг, тафаккурнинг тўғри чаҳланганидандир ва ҳаётдаги тажриба асосий восита саналади. Муаллифнинг барча публицистик мақолалари яшириш занжир ила бир-бирига боғланиб, занжир ҳалқалари сингари бир-бирини мазмун жиҳатидан мустаҳкамлаб, тўлдириб туради. Масалан: “Китоб кўтарган одам”⁴ мақоласида инсон маънавий камолотида китобларнинг нечоғлик катта ўрни бор эканлиги таъкидланса, “Авлодлар кўприги”⁵ мақоласида эса келажак авлоднинг билимли тафаккур дунёқараши бой кучли комил инсон бўлишида миллий қадриятларимизнинг ўрни

⁴ Қаранг. “ЎЗАС” 20 апрел 2012 йил №16 (4155)

⁵ Қаранг. “ЎЗАС” 9 ноябр 2012 йил №45 (4184)

хусусмда фикр билдирилган. Шунингдек, “Буюклик оддий бўлади”, “Оҳангларга йўғрилган умр”, “Афсонага айланган аёл”, “Юксак юлдуз шуласи”, “Яшашдан мақсад”, “Мафтункор қалб соҳибаси” мақолалар маъно мазмунан бир-бирига яқин, боғланган.

Журналист – бу касб эгаси олдида жуда кўп талаблар қўйилади. Аввало унда табиат ато этган истеъдод бўлмоғи лозим. У бошқалар оддийгина қилиб сўзлаган ҳодисаларни шундай ёзмоғи керакки, ўша воқеадан бохабар бўлган кимса ҳам ҳайратда қолсин. Бунинг учун журналист жаҳон адабиётидан, тарихидан яхши хабардор бўлмоғи, замонасининг муаммоларини чуқур ҳис этмоғи, уларни юксак малакали ходим сифатида таҳлил этишга қурби етадиган бўлиши керак. Унда яна, ўткир зехн, сезгир нигоҳ, қайноқ қалб ва беҳаловат юрак бўлмоғи даркор.

Ижодкор бадиий тафаккури Оллоҳ инъом этган илоҳий мўъжиза – истеъдод нурига йўғрилган бўлса, қанчадан – қанча миллий бойликларни бунёд этади. Бу ҳақда сўз юритган Иброҳим Ғофуров: “Истеъдод – миллий бойлик. У неча юзлаб, минглаб бойликларни бунёд этади, дунёга беради”. – деганида тамомила ҳақ эди. Айнан ижодкор бадиий тафаккурининг илоҳий ва дунёвий мазмунлари уйғунлигидан юзага келувчи ўзига хос услубда ҳам шу икки жиҳат кўзга ташланади: истеъдод – маҳоратни юзага чиқарувчи омил бўлса, услуб – ижодкор тафаккурининг бадиий тил орқали дунёвий маъно ва мазмун касб этишидир.

Демак, ижодкор шахсида ана шу икки жиҳат уйғунлашиб, ўзига хос услубнинг намоён бўлишида асос вазифасини ўтайди. Айни чоғда, ижодкор услуби ва бадиий маҳорати воситасида инсон дунёсининг сирли, сеҳрли қатламлари, туйғуларининг шиддати, ҳис – ҳаяжонларининг маъно товланишлари, туғёнларининг зарби ифода қилинади, тасвирланади.

Китобхон яна ўша илоҳий мўъжиза – истеъдод қудрати ила ўзга инсонлар руҳиятини ҳис қилади, улар дунёсига кириб боради, уларни худди ҳаётдагидек жонли инсонлар каби тасаввур этади ва тушунади, ҳамдардга айланади. Бадиий образ қиёфасида ҳар сафар образнинг янги, сирли ва

сеҳрли, бетакрор илоҳий дунёси намоён бўлади. Яратилаётган ана шу ҳаётий қаҳрамонларни замон талаблари, бадиият мезони асосида ҳар тарафлама чуқур ўрганиш бугуннинг долзарб вазифасидир.

Кишиларимиз онгида, ҳаёлот, руҳиятида содир бўлаётган жараёнларни бор кўлами ва турфа ранглари билан тасвирлаш тенденцияси Эркин Усмонов каби мистик характерда ижод қилувчи ёзувчиларга инсон онги ва дунёсининг бетакрор, зиддиятли ҳолатларини ҳаётнинг ўзидаги каби табиийлиги билан бадиий гавдалантириш имконини бераётганлиги китобхонни қувонтиради. Бу сирли – сеҳрли ва ранг – баранг инсон оламини ёзувчи ёки лирик қаҳрамон қандай англаётганлигини тасвирлашдан инсон дунёсининг турфа ҳолатларини ўз идроклари – ю ҳис – туйғуларига таяниб, кўнгилларига ўзлари йўл топишларига ундаш, инсонни англашга интилишдан унинг қалбини ўзига англашиш томон қадам ташлаганлигини кўрсатувчи йўналиш пайдо бўлганлигидан далолат беради.

Ранглани рамзлаштириш ҳозирги ўзбек адабиётида ўзига хос анъана тарзида давом этмоқда, бадиий – эстетик тамойил сифатида яшамоқда.

Ҳозирги ўзбек адабиётига хос тамойиллардан яна бири шоирларнинг нутқнинг хитоб, мурожаат каби шаклларида, сўз такрори, риторик сўрок каби унсурлардан фойдаланиб, оламини, унинг бир бўлаги бўлмиш инсон дунёсини поклаш орқали мунаввар этиш ҳақидаги дунё олимлари, файласуф – у шоирлари қарашларига ҳамоҳангликда яратилаётган насрий асарлар ғоялари, бетакрор, салмоқли фикр ва туйғулардан англашилишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Эркин Усмонов ҳикояларини ўқиган ўқувчи асар қаҳрамонларини шунчаки йўлдан озган, “ахлоқ нормаларидан чекинган” ёки “улуғ мақсадлар йўлида” катта тўсиқларга дуч келган одамлар деб бўлмаслигини англаб етади.

Биринчидан, ижодкор шахс журналистик фаолиятга осон мослашиши мумкин. Чунки, унинг дунёқараши кенг, тасаввурлари бой, шу боис фаолияти давомида кўрган-билганларини ифодалаш осон кечади.

Иккинчидан, ижодкор шахс халқ дарди ва ўй-хаёллари билан қалам тебратганлиги боис тезкор жараён ижодкор ихлосига, умуман унинг мукаммал ишлашига тубдан ҳалол бўлиши мумкин. Умуман, бу ҳолат ижодкордан тезкорлик, ҳаракатчанлик ва энг асосийси ҳалолликни талаб этади.

Жаҳон ва мумтоз адабиётларини, хориж ва ўзбек журналистикасини таҳлил этадиган бўлсак барча ижодкорларнинг асарларида ҳар бир омил таъсирини кузатишимиз мумкин. Турк адиби Азиз Несиндан “...шунча ҳикояни қандай ёзгансиз?” – деб сўрашса. “Олти фарзандинг бўлса сен ҳам ёзар эдинг”, – дея жавоб қайтарган экан. Бу қанчалик мантикқа тўғри ёки нотўғрилигини таҳлил қилиб ўтирмаймиз. Аммо бир нарса аниқки, ижодкор агарки, тўлиб-тошиб ёзмаса, дилидаги гапларини берилиб баён этмаса, халқ дарди ва халқ фикри билан ўртоқлашмаса ёзаётган ижодининг барчаси ҳавойи. Ҳар қандай ҳолатда ҳам профессионал ёндашувга интилиш, юрт тинчлиги, эл осудалиги, халқ манфаатларини муаллиф ўз зиммасига ортиши керак.

Ўйлаб кўрайлик, индивидуал фаолиятга асосланган ижод қандай натижа беради? Шубҳасизки, кутилганидан аъло. Бу эса ўз навбатида ижод хусусиятларида намаён бўлади. Адиб ижодида акс этади. Муаллиф Ватан улуғлиги, туғилиб ўсган Она-юртга бўлган муҳаббати, Она-Ватан соғинчи азалий туйғу ҳеч бир инсон қалбини тарқ этмаслиги, Она-Ватанни ташлаб ўзга юртда мусоффирлик қиладиган инсонларнинг ўз юртига қайтиш, оиласи замондошлари бағрида истиқомат қилиш орзу-армон ила кун кечириши “Бизни меҳмон деманглар” публицистик мақолада яққол ёритиб берилган.

Шунингдек, ҳар бир инсон ўзлигини англаб етмоғини, қайсики, касб эгаси бўлмасин ана шу соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши зарурлиги алоҳида таъкидланган. Публицистик ижодкор Эркин Усмонов “Буюклик оддий бўлади”, “Тугалланмаган портрет”, “Армонга тўла дунё”, “Қанот жуфт бўлади”, “Иккинчи умр”, “Мафтункор қалб соҳибаси” каби публицистик мақолаларида, ҳар ким ўз ўрнида виждонан меҳнат қилсагина

ана шу юрт обод, одамлари бахтиёр бўлишларини уқтиради. Гап жамиятда ҳар бир киши ўз ўрнида туриб, ҳар ишни астойдил адо этишида – деб кўрсатилади. Ватан ўшандагина юксалади.

Эркин Усмоновнинг ижодида жамият манфаати йўлида бола тарбиясига бефарқ эмаслигини кўрсатувчи ва таълим –тарбия борасида хизмат қилувчи мақолалари ҳам талайгина.

Киши қаерда ҳаёт кечирмасин ана шу ернинг муҳити, ҳавоси, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи умуман, ҳар бир омили унинг ҳатта-ҳаракатларида ўз аксини топади. Ўсиб унаётган, камол топаётган масканни асраб авайлаш, анъаналарга сингиб кетган маданият, халқнинг, миллатнинг шаъни ижодкорнинг яратган маҳсулида яъни, баъзи м якқол акс этади. Агар зийрак китобхон идроки ила кузатилса, муаллиф ҳар бир асарда табиат манзараларини кўпинча қир-адир, тоғли чизгилар акс эттириб туради. Бу албатта маконнинг таъсири. Қалам қайси манзил сари йўрғаланса, уни фақатгина кузатиб, йўналтириб туриш кифоя. Шунда зўрма-зўракай ижод маҳсули камаяди. Ижодкор ана шу тоғ чизгилари, қир-адир, бебаҳо илоҳий неъматларини асраб-авайлаш кераклиги ҳамда келажак авлод ризқига ҳиёнат қилмаслик бизнинг бурчимиз эканлигини мақолаларида таъкидлайди.

Замоннинг чизгилари бевосита муштарий нуқтаи назаридан белгиланади. Айниқса, фикрни аниқ ифодалаш, далилларни қўллаш олиш маҳоратига алоҳида урғу берилади. Шу билан биргаликда, азалий ва абадий мавзуларнинг ўлмас намуналари саналмиш сўз масъулияти ҳақида чуқур таҳлил юритилади: “Сохиби суз” мақоласида Эркин Усмоновнинг публицистикаси барча соҳаларни “тафтиш” этишга замин бўлади. Бу ҳаракат нафақат бевосита журналистлардан танқий нигоҳ ила ёндашишига, балки турли миллат вакилларида ўз-ўзига ҳамда зурриёдига талабчан бўлашга ундайди. Бир болага етти қўшни ота-она, деган нақлга амал қилган ҳолда, фарзандлар тарбиясига бефарқлик миллатнинг ёмон иллатларидан бири эканлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтади.

Оммавий ахборот восита ходимлар, уларни демократик жамиятдаги ўрни халқ ҳаётидаги аҳамияти, журналистларни ўз вазифасига ёндашуви, нутқ маданияти, кўрсатув-эшиттиришнинг мазмун-савияси жамиятда ўсиб унуб келаётган ўсмир-ёшлар онгига таъсири тўғрисида “Ҳайратларга тўла дунё”⁶ (Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, режиссёр ва мураббий Маҳкам Муҳамедов портретига чизгилар) номли публицистик ижодига оммавий ахборот воситалари матбуот, телевидение, радио, интернет ҳақида, уларнинг ютуқ ва камчиликлари хусусида қайғуриб куюниб ёзади.

Ҳар бир журналист неники ижод қилмасин, унда ўз усулбини акс эттиради. Эркин Усмоновнинг ҳар бир сўзидан самимият акс этиб туради. У ўзининг ижод намуналарида ҳақонийликни устун қўяди. Ижодида зўрма-зўракай сўзлар учрамайди. Ҳар қандай ёшдаги газетхон ушбу ижод маҳсулидан “лаззатлашиши, сабоқ олиши” табиий. Воқеаларни имкон борича асл ҳолда талқин этишга интилади. Газета ишидан бохабар инсонлар бу фикримизни тасдиқлаши аниқ. Баъзан инсон, айниқса, ижодкорларнинг биргина сўзи, биргина фикри билан ўзини кашф этади. Шоирнинг биргина сатри, ёзувчининг биргина жумласи унинг фикрий “аслий” таржимонига айланади. Беихтиёр "воҳ" деган ҳолат-у, вазиятларимиз ҳам бўлиб туради. Умуман олганда, матбуот бу оммавий ахборот воситаларининг “нуроний” йўлбошчисидир. Шу маънода ушбу нашрий ижод намуналари шунчаки эмас, балки, тўлақонли фаолият олиб бориши керак.

Эркин Усмонов ижодида холис ва ҳаққоний ёндашувнинг ўрни беқиёс. Холислик ва ҳаққонийлик журналист фаолиятидаги энг долзарб жараёнлардан саналади. Ижодкор адиб публицистик мақолаларида холискорлик ила фикр юритади. Шу ўринда Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларни келтириш жоиздир: “Юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган

асарлар яратиш - барча санъат турлари каби бу соҳа учун ҳам асосий мезон бўлиши табиий”⁷.

Муаллиф Эркин Усмонов инсонларга ўзининг фикрини уқтиришга ҳаракат қилмайди. Аксинча, турли воқеа –ҳикоялар мисолида хулоса чиқаришни китобхон ихтиёрига беради. Фикримизнинг исботи сифатида мохир публицист ижодкорнинг “Дунёни гўзаллик кутқаради...” мазмундаги уч нуқта ила мақолаларни тугатиши китобхон ўқувчини фикрлашга, ўйлашга, хулоса чиқаришга, мушоҳада қилиб таҳлил қилашга ундайди. Бу бизнингча ҳам энг тўғри йўл. Шунингдек, публицистнинг ажралиб турувчи маҳоратининг бир белгиси ҳисобланади. Муаллиф ижодига диққат қилсак, ҳаётий воқеалар мисолида фикрнинг аниқ йўналишини белгилаб олади. Ва айтмоқчи бўлган ўз сўзларини келтирилган воқеанинг мантиқий давоми тарзида ривожлантиради.

1.1 Публицистика – журналист маҳоратининг кўзгиси

**Ўзувчи, шоир одамларнинг дилидаги,
тили учидаги гапларни айтиши керак,
адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини
ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас.**

Абдулла Қаҳҳор

Журналистика соҳасида бизга маълумки, публицистика ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, халқ ҳаётининг барча жабҳаларини турли усулларда қоғозга туширади. Бу публицистиканинг ўз номидан ҳам акс этиб туради, яъни публицистика – лотинча «ижтимоий» деган маънони англатади. Журналист - қаламкаш ижод аҳли саналади. Ижод айниқса журналист ва журналистик ижод доимо давр сиёсати, ижтимоий ҳаётини ёритиш, давр билан ҳамнафас бўлиб, давр билан бирга қадам ташлаб келажакни олдиндан кўра билишни талаб қилади.

Сўз пири Алишер Навоий ижодида халқ, миллат аҳлининг ғамхўрлигини, одоб-ахлоқ, илм олиш, болаларни билимли меҳнатсевар қилиб

⁷ Каримов И. А. Юсак маънавият – снгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 1 б

вояга етказиш, вафо, меҳр-садоқат, доимо халққа яхшилик қилиш, омма манфаатларини, ёш авлодларнинг келажагини, ўқимишли бўлишини ўйлаб давлатни бошқариш кераклигини таъкидлаган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам “Бобурнома” асарида даврнинг талаблари, халқнинг майиший-турмуш тарзи, аҳолининг машғулоти, ўша давр маданияти, маърифати, таълим соҳаси ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиш мумкин.

Бу ҳозирги ижодкорларда яъни Иброҳим Ҳаққул, Матёқуб Қўшжонов, Умарли Норматов, Эркин Усмонов публицистик мақолаларида давр руҳи сезилади. Уларнинг ижодларида айниқса, публицистик жанрда давр кўзгуси гавдаланиб, тасвирланиб туради. Демак, журналистик жанрлар орасида публицистика йиллар давомида шаклланиб келаётган жанр ҳисобланади. Мисол учун, бир аср олдинги жадидлар ижодини кузатадиган бўлсак, публицистика борасида самарали ишлар қилинганлигига гувоҳи бўламиз. Жадидчилик-уйғониш даври тарғибот-ташвиқот вакиллари халқнинг уйғониши, эркинлик-озодликка эриши, ўзини англаши, маънавият - зиё уруғини сочиши, ёшлар онгини ўстириш ва диний билан биргаликда дунёвий билимларни эгаллаши, дунё янгиликлардан хабардор бўлиш борасида кўплаб ижтимоий - сиёсий, маънавий-маърифий публицистик мақолалар, тўпламлар, асарлар яратишган.

Озодлик нашидасини суриш, мустақилликни қўлга олиш ва эгаллаш кераклиги ҳамда бу эса миллатнинг ўзлигини англаш, фидойи билимли фарзандларнинг қўлида эканлиги шунингдек, чин севги ватан севгисидир, чинакам муҳаббат Ватанни озод қилиш қодирлигини шоир, забардаст олим жадид адабиётининг публицистикасини ёрқин намоёндаси Фитрат ўзининг публицистик ижод намуналарида келтириб ўтади. “Бизнинг Туркистонимиз мана шу буюк турк улусининг бешиги бўлмоғи билан ифтихор қилади...Темур янглиғ турк қаҳрамонини Туркистон етиштирди. Яна аббосийлардан кейин “маданият башария”ни бошлари узра кўтарғон турк олимларининг каттаконлари бўлғон Абу Али, Улуғбек, Жавҳарий ва Фаробий каби хикмат тиракларини Туркистон чиқарди. Афлотун чоғида

Афина, Румо салтанатида Румо, аббосийлар хулофатинда Боғдод қанча таракқий қилғон бўлса Темур ва Улуғбеклар замонида Самарқанд шунча таракқий қилғон эди”⁸

Юқоридаги фикр-ғоя бугунги кунда ҳам ўзини кучини йўқотмаган, юртбошимиз И.А.Каримовнинг “юрт келажаги, мустақилликни асраб-авайлаш ҳар тарафлама билимли, кучли, доно, бизданда кўра ақлли, салоҳиятли комил авлод қўлида” – дея - ҳар бир нутқ, асарларида, учрашувларида таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, она-заминнинг мустақиллиги осонлик билан қўлга киритилмади. Мустақилликка эриши, ривожлантириб таракқиёт чўққисига олиб чиқиш, оиласидан, жондан азиз фарзандлари дўстлари даврасидан воз кечиб, кунни тунга улаб чегаралар сарҳадини кўриқлаш, Ватанни халқни ота-боболари хоки бўлмиш замин тупроқни кўз қорачиғидек ёвузликлардан асраш, Ватанга, оилага содиқ бўлиш, аجدодлар меросини авлодларга етказиш, опа-сингил, хотин-қизлар шаънини ҳимоялаш, боболар руҳини оёқ ости қилмаслик учун жон жаҳди ила хизмат қилиш ва шу рух ила келажак авлодни камол топтириб вояга етказиш фақатгина чинакам севги - Ватан севгиси ила эришиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки кезларида эса миллий матбуотимиз зиммасига жамиятда кечаётган мураккаб жараёнларни, яқин ўтмишимизда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни холис ва ҳаққоний ёритиш, истиқлол ғояларининг фаол тарғиботчисига айланиш, мустақиллик манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият аъзоларини янги демократик давлат қуришдек ягона мақсад атрофида бирлаштириш вазифаси юкланди. Бу даврларда миллий матбуотимиз саҳифаларида собиқ тузум шароитида мутлақо қўл урилмаган, ҳеч ким журъат этмаган, расман тақиқлаб қўйилган мавзулар, танқидий мушоҳадалар, қиёсий таҳлиллар, ижтимоий-сиёсий шарҳлар пайдо бўлди. Ҳамда ватан эрки йўлида шаҳид бўлган адиблар хотирасига, ҳаёти ва ижодига оид мавзуда публицистик мақолалар, шеърлар, асарлар ёзилди.

⁸ А.Фитрат. Танланган асарлар. 3-жилд. Т.: “Маънавият”, 2003, 198 б.

Масалан: О.Шарафиддиновнинг «Кеча ва кундуз»,⁹ «Кўнгилда қолғуси унинг бир изи»,¹⁰ «Адабиёт яшаса, миллат яшар»,¹¹ «Тирик сатр»ларнинг қийин қисмати»,¹² «Чўлпон»,¹³ «Чўлпон таржимон»,¹⁴ «Чўлпон драмалари»¹⁵, А.Расуловнинг «Тунда чакнаган юлдуз»,¹⁶ Ҳ.Абдусаматовнинг «Тарих ва бадиий талқин»,¹⁷ У.Норматовнинг «Персонаж меъмори»,¹⁸ Нурбой Абдулҳакимнинг «Буюк бир муҳаббат талқини», Қ.Йўлдошовнинг «Очилмаган ғунчалар чиройи»,¹⁹ Ҳ.Абсамиевнинг «Заррин нурларнинг безовта ошиғи»,²⁰ У.Абдуваҳобнинг «Ойбекнинг «Соф лирика»си»,²¹ «Кўнгил наъматаги»²² ва бошқа мақолалари ўша даврдаги адабий муҳитда алоҳида салмоқ касб этиб, танқид тафаккурини янгилашга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Эркин Усмонов ўз қаламига мансуб бўлган публицистик мақоларининг мазмун-моҳиятига, уларнинг нечоғлик аҳамиятли эканлиги, айниқса, “Дунёни гўзаллик қутқаради...”, “Биринчи томошабин бурчи”, “Санъат – қисмат демак!..”, “Ҳаёт қўшиқдан яралаган...”, “Бу буюк бир саодат эрур”, “Армонга тўла дунё”, “Санъатга садоқат”, “Афсонага айланган аёл”, “Ниятнинг макони қалбдир...” каби пулицистик мақолаларида илгари сурилган даврнинг долзарб муаммоларини ўрганиш ва таҳлил этишда энг муҳим манбалардан эканлиги биз ёш журналист кадрлар яъни ҳозирги авлод оммавий ахборот воситалари вакилларига дастурамал бўлиб хизмат қилиши, публицистнинг мақолалари кундалик ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга эканлиги боис публицистик асар ва тўпламларга алоҳида муражаат қиламиз.

⁹ Шарафиддинов О.Кеча ва кундуз /// “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1990. 16 феврал.

¹⁰ Шарафиддинов О. Кўнгилда қолғуси унинг бир изи /// “Шарқ юлдузи”, 1990, 3-сон.

¹¹ Шарафиддинов О. Адабиёт яшаса миллат яшар /// “Шарқ юлдузи”, 1993, 9-сон.

¹² Шарафиддинов О. Тирик сатр»ларнинг қийин қисмати /// “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 1991. 51 сон.

¹³ Шарафиддинов О. Чўлпон . 1989. 19-29 декабр.

¹⁴ Шарафиддинов О. Чўлпон таржимон /// “Гулистон”. 1990. 2 сон.

¹⁵ Шарафиддинов О. Чўлпон драмалари /// “Санъат”. 1990. 4 сон.

¹⁶ Расулов А. «Тунда чакнаган юлдуз» /// “ЎзАС” 2005, 27-май.

¹⁷ Абдусаматов Ў. Тарих ва бадиий талқин /// “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2005, 13 май.

¹⁸ Норматов У. Персонаж мемури /// “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2005, 11 феврал.

¹⁹ Йўлдошов Қ. Очилмаган ғунчалар чиройи /// “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2005, 10 июн.

²⁰ Абсамиев Ш. Заррин нурларнинг безовта ошиғиғ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”. 2005.

²¹ Абдуваҳоб У. Ойбекнинг соф лирикаси ғ “Гулистон”, 1995. 6 сон.

²² Абдуваҳоб У. Кўнгил наъматаги “Шарқ юлдузи”. 1997. 4 сон.

Журналистика, айниқса, публицистика ҳар қандай ўтиш даврида жамият ҳаётида мавжуд муаммолар томон юз буради, воқеа-ҳодисалар ривожини синчиқовлик билан кузатади ва таҳлил этади. Бундай публицистикани бир ижодкорнинг фаоллиги ёки қуюнчаклиги дейишдан кўра, жамиятнинг фикрловчи, мушоҳада юритувчи, миллат тақдирига бефарқ бўлмаган илғор қатламли вакилларининг умумлашма фикри дейиш тўғрироқ бўлади. Публицист ўз ижодида жамоатчилик фикрига таяниб қалам тебратади. Публицистик асарда муаллиф адабий-бадиий ифода усулларида самарали фойдаланади, ижодкорнинг образли мушоҳадаси, ҳиссий, эмоционал туйғулари, ижтимоий ёки шахсий субъектив қарашлари ўз ифодасини топади. Чинакам публицистик асар ўқувчини фикрлашга, ижтимоий фаолиққа, баҳс-мунозарага даъват этади. Б. Дўстқораев таъқидлашича, “Публицистиканинг юзага қелиши журналистикани ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қудратли қурол даражасига кўтарди”²³.

Публицистик жанрда даврнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий қиёфасини, ютуқ ва муаммоларини, жамият олдида турган муҳим вазиқаларни ва ечимларни кўриш мумкин. Жамият бир тузумдан иккинчи тузумга ўтаётганида публицистика қудратли қуролга айланади, публицистик мушоҳадага эҳтиёж қучаяди. Публицистика давр билан бирга қадам ташлайди, жамият олдида турган вазиқалар ижросига хизмат қилади, ютуқ ва қамчиликларни очик, рўйи-рост, қуюнчаклик билан ифодалайди. Шу жиҳатдан у аёвсиз танқидчи, ҳолис фош этувчи, муросасиз баҳслашувчи, ўз вақтида огоҳ этувчи ва янги манзилларга даъват этувчи қуч ҳисобланади.

II БОБ. Эркин Усмонов пулицистикасининг мавзу жиҳатидан турлари

Ҳар бир ижодкор-адибнинг нимани ёритишга кўра мавзу доираси турлича бўлади. Масалан: маънавий – маърифий мавзу, таълим –тарбиявий мавзу, ҳаётдаги маиший воқеа-ҳодисалар ҳақидаги мавзу, устоз-пирлар

²³ Дўстқораев Б. Ўзбек журналистикаси тарихи, Т.:Ф.Ғулом номидаги НМИУ, 2009, 7-б.

хотирасига бағишланган мавзу, санъат олами ҳақидаги мавзу, ижтимоий-сиёсий мавзу, қалам аҳли ҳақидаги мавзу, тарихий воқеалар тўғрисидаги мавзу, адабий асарлар ҳақида мушоҳали мавзу, панд-насихат ҳақидаги мавзу, моддий-маънавий меросларни асраб-авайлаш ҳақидаги мавзу, сўз маданияти ва маъно моҳияти тўғрисидаги мавзуларга ажратилади. Мавзунинг серкирралиги ижодкорнинг маҳоратидан далолат беради. Мавзу-мазмун кўлами кенг қамровли бўлиб, уларда халқнинг ижтимоий ҳаёти, омма фикри, миллат дарди, ғам-ғусалари, шод-хуррам кунлари, инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабати, каттани хурмат, кичикни иззати қилиш, ўзини тутиш, ўзини тия билиш, қаерда қандай нуткий муомилада бўлиш каби жамиятнинг турли жабҳаларининг ички жиҳатларгача ёритиб берилади. Ижодкор ёзаётган ижод маҳсулининг мавзу-мазмун, услуби, тили, адабий элементларни қўллашига кўра ижоднинг турли жанрлари қўлланилади.

Эркин Усмоновнинг публицистик ижодини мавзу жиҳатидан бир неча турларга ажратиш мумкин:

1. **Маънавий – маърифий мавзу:** – “Ниятнинг макони қалбдир...”, “Созимнинг ажиб сири бор...”, “Бу буюк саодат эрур...”, “Баланд тоғлар устида”, “”, “”.
2. **Таълим – тарбиявий мавзу:** – “Авлодлар кўприги”, “Китоб кўтарган бола”, “”, “”, “”, “”, “”.
3. **Устоз-пирлар хотирасига бағишланган мавзу:** – “Уни “Ая” дердилар”, “Бири ой, бири қуёш...”, “”, “”.
4. **Санъат олами ҳақида** – “Санъат – қисмат демак!..”, “Санъатимиз “жентльмени” ”, “Санъаткорнинг изи”.
5. **Моддий-маънавий меросларни асраб-авайлаш ҳақидаги мавзу** – “Ҳаёт қўшиқдан яралган”, “Дунёни гўзаллик қутқаради...”, “Мерос”.
6. **Сўз маданияти ва маъно моҳияти тўғрисидаги мавзу** – “Бемаъни сўз”, “”.

Публицистик ижодкор Эркин Усмоновнинг барча мавзуларда унумли ижод қилган ҳамда мақолаларида мавзулар уйғунлиги кўзга ташланади.

Муаллиф шунчаки ёзмайди, қоғозни шунчаки қоралаб вақтни увол қилмайди, шунчаки саёз фикрлар билдирмайди ҳамда мавзу кўлама ўқувчи ёшини танламайди. Барча ёшдаги китобхонга мўлжалланган. Қайта-қайта мутола қилган сари янги маъно-мазмун акс этаверади, янги ёндошувлар кашф этилади. Муаллиф мавзунини ёритишда юмор-мушоҳада, танқидий-тахлилий, бадиий-адабий ёндошади. Баъзида мавзу образларда гавлантирилиб, қаҳрамонларни диалог монологига ёритилади. Баъзи муаллифнинг нутқ ёрдамида ижодни мазмун-моҳияти очиб берилади ҳамда ўқувчининг қалб кўрига кириб боради. Муаллифнинг ютуғи бир ўқишли, таъсирсиз, хотирадан кўтариладиган мавзуда, сийқаси чиққан мавзуларни қаламга олмайди.

2.1 Муаллифнинг ижтимоий-сиёсий публицистикаси

Оммавий ахборот воситаларининг замон талаблари асосида ривожлантириш, матбуот ва сўз эркинлиги принципларининг амалда таъминлашга эришиш, матбуотда танқид руҳини кучайтириш биз учун энг муҳим мақсадлардан бири бўлиб қолмоқда... умр бўйи эл-юрт манфаати, Ватан истиқболи учун курашиб яшайдиган шундай қаҳрамон фарзандлари бор халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Ислом Каримов

Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асари бошдан-оёқ ижтимоий-сиёсий публицистик руҳида ёзилган. Ўзбекистонда юзага келган мавжуд ижтимоий-сиёсий ҳолат ижодкор Эркин Усмонов публицистикасида ҳам акс этган. Масалан: “Бу бир буюк саодат эрур”, .

“Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунининг нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга

амал қилиб яшаш - одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”²⁴.

Қалами ўткир, тошни ёрадиган, қоронғи зулматга ёруғлик нурини сочадиган, тухматга туриб берадиган адиб доимо сергак, ҳозир жавоб ўринсиз гап-сўзларга, тухмат тошига бардош жасорат ила жавоб ёза олади. Эркин Усмонов ҳам шундай ижодкорлар сарасига керади. Муаллифнинг “Бир “асар” тарихи” – сиёсий публицистик мақоласини ўқиган киши фикримизни тасдиқлайди.

“Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар, айти пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очиқ сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим”²⁵.

2.2 Муаллиф ижодида маънавий-ахлоқий муаммолар талқини

Бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйланмаки, янглишмаган бўламиз.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов деярли ҳар бир китобида, ҳар бир маърузасида маънавият масаласига алоҳида урғу бериб, ривожланишда юксак маънавиятсиз ҳеч қандай ютуқларга эришиш мумкин эмаслигини, халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва юксалтириш – Ўзбекистонада давлат ва жамият қуришнинг энг муҳим вазифаси эканлигини қайта-қайта таъкидлаб келишининг боиси ҳам шундан. “Бирон-бир жамият

²⁴ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 25 б

²⁵ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 120 б

маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди” - дея таъкидлайди И.А.Каримов.

Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Янгиланиш-тараққиёт, эркинлик, болаларнинг таълим-тарбия, аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиқ, диний-дунёвий ғояларнинг пири ҳисобланмиш Абдулла Авлоний «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир»— дея бежизга уқтирмайди. Албатта, таълим-тарбия - онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни, халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. “Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-этиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир”²⁶— дея таъкидлайдилар юртбошимиз И.А.Каримов.

Муаллиф ижодида маънавий–ахлоқий, маърифий-маданий, таълим – тарбиявий муаммоларни кўрсатиб берадиган, уларни сабаб ва оқибатини аниқлашга уринувчи ва бартараф этишча ундовчи бадиий-таҳлилий публицистик мақолалар борасида ҳам сермаҳсул ижод қилган. Адиб маънавий–ахлоқий таълимнинг барча кўринишларига юмор-комедик, фикр-мулоҳазали, мисол-намунавий шаклда ёритиб берган. Бу борадаги ижод маҳсули публицистик мақолалар тўпламларида: “.....”, “.....” жамланган. Буларни барига бирма-бир назар солсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Эркин Усмонов ижодида жамият манфаати йўлида болалар тарбиясига бефарқ эмаслигини кўрсатувчи ва таълим –тарбия борасида хизмат қилувчи мақолалар биёр: “Тарбиясиз тарбия”, “Маънавият тарғибот” ва ҳ.к.

²⁶ Каримов И. А. Юсак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008, 62 б

Публицистик руҳдаги “Тарбиясиз тарбия” ижодида муаллиф мустаҳкам оила, комил фарзанд, хулқ-атвори гўзал, таълим тарбияда ўрнатилган инсоният вояга етишида, жамиятнинг барча жаҳонларида маҳалланинг ўрни беқиёсдиги, муҳим аҳамиятга эгадиги ёритиб берилган. Машойиҳларнинг «Маҳалла - ҳам ота, ҳам она», «Бир болага бир маҳалла, етимга етти маҳалла ота-она» – деган ҳикматли нақлни ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз. Юртбошимиз И.А.Каримов “Унинг (инсонинг) энг катта бахти, масъулияти, ҳеч бир бойлик билан қийинлаш бўлмайдиган саодати – бу фарзанд кўриб, ота-она бўлиш бахтидир” деб бежизга таъкидламайди. Фақат иш-юмуш, уй-иш деб, яқин қариндошлар, уруғ-аймоқлар, маҳалла куй, кўни-кўшничилигини, маҳалла тўйи – ю - азасини унатиб қўйган баъзи кимсалар учун ибрат мактабини ўтайди. Муаллиф ушбу публицистик мақолада огоҳликка ундайди. Маҳалласидаги фарзанд тарбиясига, юриш - туришига, кимлар билан қандай ишлар билан бандлагига бефарқ бўлмаслик керакли, агарда маҳалла фарзанди нопок йўлга кириб қолган бўлса “ё тавба, фалончининг фарзанди-я, туппа-тузук хонадоннинг боласи шу ишни қилибди-ми?” дея ёқа ушлаб туравермасдан тўғри йўлни кўрсатиш, олдиндан тарбия бериш кераклиги кўрсатилган. Акс ҳолда нопок болалар ўз пуштикамаримиз бўлмиш ўғил-қизларимизга, невараларимизга таъсир этиши мумкинлиги уқтирилган. Биз инсоният шу даражада ён-атрофга бефарқ қараймизки, ўзимизнинг ташвишларимизга кўмилиб кетамизки, эрта кетиб кеч келиб ғафлат уйқусида қолганмизки, “мен сенга тегмайман, сен менга тегма” ақидасини онгу шууримизга сингдириб олганмизки, тўғримиздаги кўшнимиздан мусулмонлик, одамгарчилик юзасидан хол-аҳвол сўрашга ҳам ёлчимаймиз. Бу ҳолат айниқса кўп қаватли хонадонларда кузатилади. Муаллиф таълим –тарбия қаерда оқсаётган бўлса, айтиш мумкин бу жойда ҳозир нозир бўлиб, гулдек фарзандларимизни йўлдан урмоқчи, ҳалокат ёқасига бошлашга уринувчи терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси балосига бефарқ бўлмаслик кераклигини эслатиб ўтган.

“Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда”²⁷.

Шунингдек, бундай балолар гирдобига тушиб қолмасликда маънавий-ахлоқий таълим-тарбиявий жиҳатдан соғлом оила, аҳил маҳалла зарурлиги кўрсатилган. Шу ўринда, Эркин Усмоновнинг фикрларнига қўшимча тарзида йўлбошимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида маънавият ва унинг тарғиботчиси тўғрисида бирдирилган фикрларни келтиришни жоиз деб топдим: “Оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарордир. Маънавий ҳаётимизни юксалтириш ҳақида гапирганда, маҳалланинг роли ва таъсири хусусида тўхталиш албатта ўринлидир. Маълумки, азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган”²⁸ – дея таъкидлайди.

Ўрни келганида шуни таъкидлаш лозимки, Ватанини ва заминини тупроғини сотган номард инсон ота-онасини ҳам пуллаган бўлади, Ватанини тузлиғига тупурга инсон ота-онаси, боболар юзига оёқ қўйиб тупурга ҳисобланади, ўз миллатдоши ўзбек хотин-қизларни хўрлаган, одам савдосига пуллаган кимса онасини шаъну номусини топтаган, ўзга ёвларга тақдим этган ҳисобланади. “Жаннат оналар оёғи остидадир”. Шундай экан, жаннатига ҳаракат қилайлик, дўзох оташига бормайлик.

Муаллиф “Маънавият тарғибот” –публицистик мақоласида “глобаллашув даврда, ҳар хил сиёсий кучлар ўзга ёд бузғинчи ғоя-мафкураларнинг ёш-ўспиринлар онгига сингдиришга уринаётган кучларга

²⁷ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008, 13 б

²⁸ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008, 58 б

карши миллий мафкура, миллий истиқлол ғояси, маънавиятни инсоннинг руҳи покланишга, қалбан улғайишга ундовчи, инсон ички дунёсини гўзал, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадагина кучдир. Манавият одамларнинг қалбига бевосита ва беқиёс таъсир ўтказувчи, уларни эзгулик ва олийжанобликка, бағрикенглик ва саховатпешаликка чорловчи тарбия воситадир, инсонни комиллик сари етакловчи машъаладир” дея маънавиятнинг моҳиятини, бугунги кун учун аҳамиятини таърифлаб беради. Шунингдек, муаллиф мақолада маънавият тарғиботчисига улғу беради. Улар инсон маънавиятига боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишлари бўлиб боради, шунинг учун барча соҳаларни айниқса жамият ҳаётидаги ўзгаришларни, халқ дардини билиб, фикр алмашиши, турли мавзуларда тadbирларни фаол ўтказиши учун ташкилотчилик қобилиятини ўзида мужассамлашган бўлишиш лозим. Донишмандлар ҳам таъкидлайдики, маънавий ҳаётда ҳам амалий ҳаётдагидек, кимки илмга таянсагина тўхтовсиз камол топади ва ютуқларга эришаверади.

Илм фан нури зимистон бил уйини этар мунаввар,

Илм отига минса ҳар ким мақсадига тез етар.

Илм – юксак тоғ, унга чиқиш қийин, нодонлик – чуқур тоғ, тушиш осон, чиқиш қийин.”

Аристотел шундай ёзади: “Иззат тиласанг ифбатли бўл, улуғлик тиласанг мулойим бўл, зафар тиласанг адолат йўлини тут, қадр тиласанг сабр қил, илмли бўлмоқчи бўлсанг жиддий шахд қил!”

Бу борада Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” китобида қуйидаги сўзларни келтирган: “Ҳозирги вақтда дунёда кучайиб бораётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан фарзандларимизнинг онгу тафаккурини ҳимоя қилишда илму фан ва маданият жамоатчилиги, ижод аҳлининг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Нега деганда, бизнинг миллий руҳимиз ва табиатимизга ёт ва бегона бўлган ана шундай «маданият» намуналарини фақат танқид ва инкор қилиш ёки уларни тақиқлаш билан бирон натижага

эришиб бўлмайди. Бундай хатарлардан ҳаётимизни асраш, маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик учун авваламбор эзгу инсоний ғоялар ва юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали халқимизнинг маданий савиясини юксалтириш, бошқача айтганда, бугун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга қодир бўлишимиз шарт... Фиркга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда... Агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди. ”²⁹.

Мақолада муаллиф неча йиллар аввал “Қалила ва Димна” асарида ўтмиш замон донишмандларининг бир хавотири келтирилади: “Ёшлар тарбияси айнаб кетди, бу кетишда дунё ҳадемай бузилиб кетади...” деган жумлани ўринли келтирган. Ўйлаб кўрайлик, ахир асар битилганини неча йил, неча замон, неча аждод-авлод, неча аср ўтди. Барча нарсани вақт кўрсатади деганларидек, шоир айтган сўзларини бугунги кунда яққол исботини кўришимиз мумкин.

Публицистик ижодкор Эркин Усмонов ёшларнинг таълим-тарбияси борасида “Она билан ҳаёт обод...”–мақоласида қуйидаги ибратли ҳаёт учун долзарб фикрларни билдирган: “фарзандни вояга етказиш, одоб-ахлоққа ўргатиш, илм-маърифатли, касб-ҳунарли, ҳақгўй, бир-бирига меҳрибон қилиб тарбиялашнинг ўзи катта лавозим эмаски?!...ота фарзандлар тарбияси билан шуғулланмай, уларни ўз холига ташлаб қўйса, болаларни кўча ўз “тарбия”сига олса, эртага жамият олдида муаммо бўлади...бола тарбияси – бугун экиб, пешиндан кейин ҳосили ўриб олинадиган иш эмас. Болани тарбиялаётиб, ўзимиз ҳам тарбия оламиз...Оилага эътибор–жамият эртасига бевосита боғлиқ. Оила муҳитининг соғломлиги пировард натижада жамиятнинг соғломлигига олиб келади”. Ҳар биримиз жондан азиз фарзандимиз ҳақида илиқ сўзларни эшитиришни истаймиз. Аммо “болангизни хулқи ёмон бўлиб кетяпти...” дейишса дарров “шу фалончи-

²⁹ Қаримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 133, 119, 122 б

фалончиларга қўшилди-ю, туппа –тузук бола айниди-да, демай ахлоқ-одоби билан жиддий шуғулланмоғимиз шарт.

Публицистик ижодкор “Мактаб саводхонами?”– публицистик мақола “Маънавият тарғибот” мақоланинг давоми десак янглиш бўлмайди. Чунки, иккала публицистик ижод намунасида мактаб таълимига ва маънавият-маърифат зиёсини тарқатувчи отадан улуг, иккинчи она бўлмиш пир устозлар, педагог-ўқитувчилар борасида фикр юритилган. “Мактаб саводхонами?” мақоласида бугунги даврда Ўзбекистонда мактаб таълим-тарбия савиясини оширишда, келажак ёшлари етук билим олишда, ўзбек халқини номини тарихини дунёга таратиш, “фарзандларимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди”, “фарзандларимиз албатта бизданда кўра билимли, кучли бўлмоғи шарт” шиори остида амалга ошираётган барча шарт-шароитлар, мактабларни қуриш ва қайта таъмирлаш ишлари ҳамда ўқувчи ёшларнинг таълим савияси системаси тўғрисида сўз юритилган. Аммо ёшларнинг комил инсон бўлишида педагог-ўқитувчининг ўз касбига меҳри бўлмаса, ош-нонини халол топмаса, ўз зиммасига юклатилган ватан давомчилари, давлат келажagini бошқарувчилари бўлмиш авлодни тарбиялашдек ўта масулиятли вазифасига сушт ёндошса кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслиги, юртбошимизнинг барча сайи-ҳаракатлари беҳуда хавога учиши, унга сарфланган маблағ сувга оқизилгандек бўлиши насихат руҳида уқтирилган. Ҳар қандай садоқатли, ташаббускор, моҳир тажрибали педогог-психологик ўқитувчи бино тузилишига, ўқув жиҳозига, шароитдаги камчиликларга аҳамият бермай болаларни тилини топа олади, ёш авлоднинг онги-дунёқарашини тўғри ўйналтира олади ва йўл-йўриқ бера олади. Муаллиф ўқитувчиларнинг маҳорати, дарс бериш иштиёқи тўғрисида қуйидаги фикрлар келтиради: “Мактаблар янгидан қурилиб, қайта таъмирлаб, замонавий жиҳозлаб бўлинди ҳам, дейлик. Аммо биргина шу тадбирлар билан ўқув-тарбия ишини талаб даражасида йўлга қўйибўлмайди. Зукко, касбига садоқатли, ҳаракатчан ва ташаббускор ўқитувчи тамир талаб бинода жиҳозлар танқис бўлса ҳам, куюниб-пишиниб дарс ўтавериши

мумкин. Аммо унинг ўзи педагог сифатида заиф, малакаси билими, дунёқараши таъмирталаб бўлса, ишига совуққонлик билан қараса, мактаб биноси нечоғли гўзал ва замонавий бўлмасин, машғулоти кутилган натижани бермаслиги тайин. Демакки, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари билан бирга ўқитувчининг маҳоратини ошириш, билимини мустаҳкамлаш, меҳнатини қадрлаш тўғрисида ҳам ўйлаш керак. Олийгоҳни тугатганига анча йил бўлган, бирор марта малака оширмаган, касби йўналишидаги методик қўлланмаларини, бадиий асарларни, газета–журналларни ўқимайдиган тарбиячининг ўзи тарбияга мухтождир” дея жуда исратла тўғри фикрни билдирилган. Муаллиф ижодида муболаға-ноўрин фикрлар мавжуд эмас. Бундай фикрлар бугунги кунда жамият халқни кузатиш, халқ ичида халқ дарди, халқ фикри билан ўртоқлаша олган, турли тоифа кишилар билан бир пиёла чой устида суҳбатлашган, халқ кулса кулиб, халқ йиғласа йиғлаган, узоқ йиллар тажриба ортирган инсонгина чуқур тафаккур ила ҳақиқат юзаги тик боқиб фикр айта олади.

ЭРКИН УСМОНОВнинг публицистик мақолаларидан шундан инсон эканлигина сезиш мушкул эмас. Муаллиф матбуот, таҳририятда халқдан келган турли мавзудаги дард ташвишлари, қувонч ташаққурлари битилган мактабларини ёхуд қўнғироқларини, юзама-юз суҳбатларини тиглаб-сирлашиб, инсонларнинг юзидаги шодлигу кўзидаги намина кузатиб ҳамдард бўла олган, гоҳ фикр уқтирган, гоҳ фикр хотирасида сингдирган тажрибали журналистдир. Публицистик ЭРКИН УСМОНОВ фикрларига қўшимча тарзида президентимиз И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асаридаги қуйидаги фикрни келтиришни ўринли деб ўйлаймиз: “Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий қонунимизда белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бу кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг иштироки ва қўллаб-қувватлашини талаб қиладиган умуммиллий масаладир. Шунини унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг

эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”³⁰.

Шу ўринда Президентимиз И.Каримовнинг куйидаги фикрларни келтириш жоиз: “Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, каерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз”³¹.

Мактаб, ёшларнинг таълим-тарбияси, илм-билимли бўлиш, хорижий давлатларда ўқиб малака билим кўникмасини шакллантириш, ёшларга эътибор янгилаш, демократик жамият куриш учун курашга жадидларни давлат сиёсати назаридан четда қолмаган. Бу борада сон-саноксиз публицистик руҳдаги асарлар, шеър, мақолалар каби ижод маҳсули яратилган. Масалан: Абдулла Авлонийнинг “Мактаб” шеърида:

Мактаб мисни тилло қилур,

Мактаб сизни мулло қилур.

Мухтасар айтганда, “мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги ҳиссаси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди”³².

Журналист Оммавий ахборот воситаларида энг жиддий муаммолардан бири сифатида эътироф этилаётган сўз маданияти, оммавий ахборот воситаларидаги эътириш, кўрсатув, мақола-асарларнинг мавзуси, сифат даражаси ҳамда журналистнинг манба излаш-интилишлари, ёш журналистларни иш фаолияти, журналист кадрларни тайёрлаш борасидаги савия, журналистларни демократик жамиятга таъсири, оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналист-бошловчилари ўз фаолиятига юзаки назар ила ёндашуви шунингдек, оммавий ахборот воситаларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, таълим –тарбиявий жиҳатларини ЭРКИН

³⁰ Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 61 б

³¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 130 б

³² Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 131 б

УСМОНОВ публицистикасида ёрқин акс эттирган. Масалан: “Муаммо ва ечим” ва “Савоб керакми?”, каби публицистик ижод маҳсули. Ушбу мақолаларда журналистнинг маҳорати нимада эканлиги, қандай эриши мумкинлиги, журналист муаммони ва далилларни келтирилиши, радио-телебошловчиларнинг этика-эстетикаси, нутқ маданияти, бўлажак журналист кадрларга маслаҳат оҳангидаги сўзларни айтади ҳамда оммавий ахборот воситасининг демократик жамиятдаги ўрни ҳақида маълумот келтиради.

Оммавий ахборот воситаларини фаолиятини кузатсак бу борада ҳали кўп тер тўқишимизга тўғри келади. Чунки бу соҳада ютуқ билан биргаликда бир қатор камликликлардан кўз юмиб бўлмайди:

1. Оммавий ахборот воситаларидан жанрдан фойдаланиш муаммоси бугунги кунда яққол кузатилмоқда. Биз мутахассисларга маълумки журналистика соҳасида 20 дан зиёд жанр тури мавжуд. Аммо амалда фақатгина тўрт жанр тури суҳбат, репортаж, ҳисобот, интервьюдан фойдаланилмоқда. Айниқса, суҳбат-интервью жанрига ружу қўйилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган актёр, хонандалар билан ҳақтига оид мавзу юзасидан ҳисобот тарздаги савол-жавоблар ўтказилиши авжи паласига кўтарилган. “Сизнинг келажақдаги мақсадингиз”, “Келгусидаги режаларингиз”, “Сизнича қайси ролингиз сизни машҳурлик чўққисига етаклаган”, “Сиз келгусида қандай ролни ижро этишни хоҳлар эдингиз” шунингдек хонанданинг нечата тилда сўзлаша олиши, гастирол таассуротлари, севган таоми, машинасини сони ёки маркаси каби майда-чуйда саволлари ила ўзлари ва хонандани реклама қилиш удумга айланди. Шунингдек, бугунги журналист-бошловчилар одамларни йиғиб олиб бир мавзунини муҳокамага қўйиш “мода”га кирди. Унда журналист ўзини нотиқлик санъатининг ўзининг сўзга удамуронлиги намаён қилиб, гапга чечанлигини, журналистика соҳасига кириб келганини кўз-кўз қилиб оммага кўрсатмоқчи бўлади. Ўртага қўйилган мавзу, муаммо, савол ҳам ечимсиз қолиб кетади. Улар мухлисларга маъбул бўлиш-бўлмаслигини, манфаатини қондириш-қондирмаслиги, талаб даражасига эканлиги-

жавоб бермаслиги борасида ўйлашни охирги даражага тушириб қўйишган, бу борада бош қотиршни, вақт сафрлашни ҳам истамайдилар. Юртбошимиз бежизга “бизнинг журналистлар савол беришни билмайдилар” – дея афсус қилганларида минг карра ҳақ эмасмилар? Аслида оммавий ахборот восита ходими-журналист халқнинг кизиқтираётган энг долзарб мавзу, муаммони ёртишда бевосита иштирокчисига айланиши, омма фикрини билиши керак. Афсуски, ўқишли-тахлилий ранг-баранг мавзудаги кўрсатув-эшиттириш, мақолалар сони ҳам кам.

2. Оммавий ахборот воситаларида *мавзу-мазмун* муаммоси. Давлат телерадио каналлардаги айниқса реклама-тижоратга ихтисослашган нодавлат телерадио каналлардаги кўрсатув эшиттиришлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, жамоа маънавий-маърифий, таълим-тарбиявий ва оламшумул мавзудаги воқеаларга бағишланиши лозим. Аммо бундай кўрсатув-эшиттиришлар сифат ва сони талаб даражасида бед бўлмайди. Уларда кимнидир севги, салом табрик, хафагарчилик кайфиятидаги “sms”га бағишланади. “Радиоларимиз эса ёшларни ўқишдан, илм олишдан чалғитиб, эртаю кеч sms йўллашга даъват этиш билан банд” – деди муаллиф “Фикр-фахмлаш ибтидоси” номли мақоласида. Шунингдек, ёш болалар ўйини синграи мавзудаги эшиттиришлар тури илдиз ёймоқда. Гўёки радиоканаллар вақтини эрмак билиб бекорга сарфлаб, тингловчиларни билим даражаси, эҳтиёжи, ёши ҳисобга олинмайди. Ахир иш ўқишдан толиқиб чарчоқ чиқариш, ором олиб дунё янгиликлардан хабардор бўлиш мақсадидаги тингловчилар бегона кимсаларнинг салом, табрик-қутловлари, кимдандир норози бўлган ёки севги, ишқийномаси битилган мактубни уларни ғижжалаб ўқиётган бошлавчини тинглаб ўтирмайди-ку. Ёки сафсатали ҳақиқатга мос келмайдиган, ғийбату миш-мишларга тўла газеталарни ўқишга вақт ажратмайди-ку. Маҳоратли публицистик журналист ЭРКИН УСМОНОВ ҳам бу борада //////////////// Бу эса кучли маҳоратли публицистик эканлигини яққол акс эттиради.

3. Оммавий ахборот воситаларига журналистнинг изланувчанлик ва журналистик суриштирув, факт излаш муаммо. Авлоний: “Даста китоб куҳчоқлаб юрган инсон олим саналавермайди” деб таъкидлаганидек. Ҳар қандай сўз, гап ҳам ахборот бўла олмайди. Тасмага туширилган ғар қандай товуш, ҳар қандай тасвир кўрсатув-эшиттириш бўлавермайди ёхуд микрофон дастагини ушлаган ҳар бир инсон журналист касбни эгаллай олмайди. Минг афсуски, телерадиоканалларда бу ҳолатни кўплаб кузатиш мумкин. Масалан: “Гап бор”, “Нуқтаи назар” кўрсатувида турли мавзу юзасидан “мажбурий” ташиф буюрган меҳмону мухлислар ва бошловчи “масала ечилиб қоладигандек” жон куйдириб муҳокама қиладилар. Қурқ оғзаки гапдан нима наф, ахир “қурқ қошиқ оғиз йиртар”, “қурқ вас-вас гап меъдага тегар”. Ёш бошловчи ва мухлислар гўёки бир нарсани қиёмага келтиргандек “отасидан яхши маслаҳат” беради. Амал қилишга келгандаёса Хотам тойдан излаймиз. Қани муҳокамада кўрилган юз муаммодан бир масала ечимини топаолдими? Халқ ҳаётига, жамиятга таъсир кўрсата олдими? Албатта йўқ. Албатта, ушбу фикрлар барча журналист-бошловчиларга тегишли эмас. Ахир гап эгасини топади. “Сизни тинглаймиз”, “Автопатрул”, “Менинг шахрим”, “Ҳамшаҳарларим”, “Ўзингни англа”, “Ойдин ҳаёт”, “Тахлилнома”, “Репортаж”, “Парламент соати”, “Ҳарбийлар сулоласи”, “Очиқ мулоқат”, “Ҳаёт ва қонун”, “Заковат”, каби аъло кўрсаткичдаги кўрсатув-эшиттиришлар бисёр. Уларнинг ўз мухлисига эгаллиги, юқори рейтингни эгалаши, омма кўнгилдан жой олиши, жамиятга таъсири журналистнинг факт, далил, исбот изланувчанликни мавжудлигидир.Маҳоратли публицистик журналист ўз тажрибаларига суянган ҳолда: “Гап-маҳоратда, ёза билишда, муаммони қўя билишда...Матбуот сўзи асосли ва холис бўлса, ҳеч ким ва ҳеч нарса унга тўсқинлик қилмайди” – дея йўл йўриқ кўрсатади.

4. Оммавий ахборот воситаларида реклама муаммоси. Телерадио каналларда биргина рекламани ойлаб, йиллаб такрорланиши, миллий

кинофильмлар орасида ўзбек миллий меналитетимизга тўғри келмайдиган гўёки Ўзбекистонда мато танқислигидек ярим ялонғоч тасвир, ёки интернет сайтардаги кучоқланган ошиқ-мошиқли рекламалар ёхуд матбуотда ярим бет-бир бет реклама жойлаштириб обуначини керакли ахборотлардан маҳрум қилиш ҳолати кузатилмоқда.

5. Оммавий ахборот воситаларида рукнлар савияси муаммоси. Бугунги кунда журналистларга, оммавий ахборот воситаларга эътибор имконият ортган сари, нодавлат телерадио каналлардаги турли хил сифатсиз, саёз рукнлар сони кун сари ортиб бормоқда. Бу эса миллий телерадио каналларга сезилари даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан: “Айланай”, “Бахт формуласи”, “Ошга марҳамат”, “Очил дастурхон”, “Уй рўзғори” ва ҳ.к.

Тилимиз фидойилари, тилшунос олимларимиз асосий эътиборни шу масалаларга қаратсалар, нутқ маҳоратидаги ортиқча қироатбозликнинг мутлақо ўринсиз эканлигини тушунтирсалар, айти муддао бўлур эди. Бошловчи нутқ воситасида аудиторияга маълум бир янгиликни ва унга муносабини билдириб ўтади. Бошловчи журналистнинг овози қулоққа ёқимли, тинглаганда ғашни келтирмайдиган нутқи равон ва аниқ кўринишда баён этилиши керак. Бу борада бир аср аввал халқ жонкуяр фидойи адиб халқ куйчиси, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, – дея огоҳликка даъват этади. Аждодлар ўғитига бефарқ, юзаги назар ташлаган инсонлар айтқанда, оммавий ахборот воситалар ходимининг нутқидаги ғализлик ўзбек маънавиятига путур етказади. Бу камчиликларни бартараф этиш барчамизнинг ватанпарварлик бурчимиз ҳисобланади.

“Театр – тарбия маскани. Ёшларимизни турли мафкуравий таҳдидлар ва ғаразнийатли кучлардан, таъсирлардан асраб-авайлашга устивор аҳамият қаратилмоқда...амалий тарбия омиллардан бири театрdir. Театр давр билан ҳамнафас яшаётган, ҳаёт синовларидан тобланган фидойи инсонлар ҳақида

хикоя қилувчи асарларни сахнага олиб чиқиши зарур...Биз эстрада санъатининг бугунги ва эртанги ривожига ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор «миллий эстрада» деган иборанинг маъно-мазмунига алоҳида эътибор беришимиз, уни ҳар қандай бегона таъсирдан, айниқса, «оммавий маданият» руҳидаги оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишимиз табиий, албатта. Бу ҳақда гапирганда, бир ҳолатни афсус билан айтишга тўғри келади. Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган «асар»лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. Нафақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки сахна ҳаракатларида ҳам очикдан-очик ажнабий «оммавий маданият» кўринишларига тақлид қилиш, «юлдузлик» касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига мутлақо тўғри келмайдиган клиплар, турли тиллардаги сўзларни қориштириб ёки талаффузни атайлаб бузиб айтиш каби номуносиб ҳаракатларни айрим ёш ижрочилар ўзи учун қандайдир янгича услуб деб билаётгани, менимча, санъатни, унинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас. Маданий жамоатчилигимиз, авваламбор мусиқашунос олимлар, устоз санъаткорлар, композиторлар, ёзувчи ва журналистлар, кўп сонли санъат ихлосмандлари бундай масалалар юзасидан ўз фикрини очик билдириб бориши, шу тариқа ёшларимизга тўғри тарбия беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Нега деганда, агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳит ташкил қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг мумтоз асарлари билан бирга, уларнинг кайфияти ва

интилишларига мос келадиган замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, мусикий таълимни янада ривожлантириш масалалари ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қачонки миллий маданиятимизнинг узвий қисми бўлган театр санъати хусусида сўз борар экан, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Театр - бу ибратхонадур», деб айтган фикрини эслаш ўринлидир. Айни пайтда театр санъатимизда ҳам бугунги ҳаётимизни, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ҳар томонлама чуқур очиб берадиган, томошабинни ўзига тортадиган, ҳам драматургия, ҳам режиссура нуқтаи назаридан бадиий юксак асарлар, афсуски, кам эканини тан олишимиз лозим. Аксинча, реал ҳақиқатдан йироқ, одамга катта маънавий озик бермайдиган асарлар билан театрлар кассасини тўлдириш ҳолатлари кўпроқ кўзга ташланмоқда»³³.

III. БОБ. Эркин Усмонов публицистикасининг тили ва услуби

**“Ўз фикрини она тилида равон,
гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган
мутахассисни бугун тушуниш ҳам,
оқлаш ҳам қийин”.**

Ислом Каримов

ЭРКИН УСМОНОВ публицистик мақолаларнинг тили содда, равон, барча ёшдаги инсонлар учун тушунарли, қисқа ва лўнда, сўз, мақол ва иборалардан ўринли фойдаланилган. Публицистик услубда ёзилган бўлиб, маслаҳат мазмунида бўлганлиги сабабли машойихлар ўғитлари, оат-боболар панду насихатли фикрлар келтирилган: “Бир болага бир маҳалла, етим болага етти маҳалла”, “Бўлингани бўри ер”, “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”, “Жаннат оналар оёғи остида”. Публицистик руҳдаги мақолаларда муаллиф, суҳбатдош, те нгдош ҳамда қаҳрамон тилидан баёнэтилади. Устоз ЭРКИН УСМОНОВ ижодда нутқий муносабатнинг эркинлиги (спотан), ўзига хослиги, тасвирий ифодадан, аниқ, равшан, образлилик каби

³³ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 143-144 б.

хусусиятлар мужассам. Ижодкорнинг тилининг аниқ ва соддалигини ўқувчига ҳаёлида маълум бир манзарани ҳосил қилади. Бериладиган воқеалар ўринли ва ибратли шаклда берилган учун фойдали ахборот, маълумот олиш мумкин. Муаллиф одоб, ўткир зеҳнлилик ўта меъёр билан танқид усулидан фойдаланган. Публицистик мақоланинг оммавийлиги, аниқлиги, далилларга асосланганлиги, хабар қилиш усулидаги ҳослик ақлий ва ҳиссий асослар нисбатига таъсир этади. Шундай экан, ижодкорнинг ўз услубида тил воситаларини, нутқ усулларини қарор топган. Муаллифи ижод қилаётганда имкон қадар тушунарли, аниқ ва лўнда бўлишига эътибор берилган. Бу борадаги қуйидагича талабларга амал қилинган:

- матнда келтирилган сўзлар кенг истеъмолдаги, адабий тил нормаларига жавоб берадиган ва айни вақтда мураккаб бўлмаслиги керак;

- мақолалар қисқа, эга-кесими ўз ўрнида равон, тушунарли бўлиши керак;

- матнда имкон қадар мураккаб терминлар, йирик рақам ва саналар кетма-кетлиги, такрор сўзлардан қочиш лозим;

Ва албатта, тиниш белгиларидан тўғри фойдаланиш, жумлалар ўртасидаги тин (пауза)дан меъёрида фойдаланиш керак.

Адибнинг нутқи аниқлик, меъёрлилик нотикликка ҳос таъкид-тасдиқ аниқ намоён бўлади.

Тилнинг аниқлиги яъни тил шаклларининг қисқа ва лўнда, тезкорлиги ижодкорнинг мақоласида ўз ифодасини топиши керак. Чунки матбуот тили турли даражадаги маънавийли, савияли энг кенг аудиторияга мўлжалланганлиги туфайли маълум даражада уни кенг имкониятли (универсал) дея баҳолаш мумкин.

Қўлланилиши жиҳатидан матюот ходимлари нутқида 4 асосий унсурнинг бўлиши талаб этилади:

соддалик ва ифодалилик;

қисқалик;

софлик ва маънавий аниқлик;

Ижодкорнинг луғат ва грамматик системага асосланган сўз санъатидаги ифодавий воситалар, маълум бир фикр ёки ғояларни баён этиш учун қўлланган умумхалқ тилидан фойдаланиш усули ҳамда тайёрланган матннинг қисқа, лўнда ва равон бўлиши, қисқа ифодада катта фикрни ифодалашда “қисқалик-таъсирчанлик” шиорига амал қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, матбуот аниқ ва қисқалик қонуниятига таянади ва ижодкорни тил воситаларини (сўз ва ибораларни, нутқий ифодаларни) иқтисод қилишга ундайди. Оқибатда батафсиллик ва қисқалик, ортиқчалик ва иқтисод қилиш орасидаги ички зиддият янги сўз ва ибораларни, ифода усуларини кидиришга, тил ва нутқнинг кўп маънолилиқ, имкониятидан фойдаланишни тақозо этади. Нутқ қанча қисқа бўлса, маъноси шунча муҳим бўлади. Ортиқга адабий расмий услубга хос сўзлардан, иборалардан қочиб, содда ва лўнда баён этилган фикр ўқувчига етиб боради.

Бир муҳим нарсани ёдларидан чиқармасликлари лозим. Матбуотги мақола ва ҳар бир сўз ёки жумла китобхонлар орасида жуда тез тарқалади. Шунинг учун нутқ маданиятини сақлаган ҳолда, адабий тил ташвиқотчилари бўлишлари керак. Сўз эркинлиги қарор топишида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз фаолиятлари учун жавобгар саналадилар. Йўналтириш услуби матбуот муҳаррирининг у ёки бу публицистик жанрда ижод қилишини тақозо этади. Мавзу танлаш матбуот муҳаррирининг ижодий фаолиятидан ўрин олган яна бир муҳим услублардан ҳисобланади. Бу борада тадқиқотчи Г.В. Лазутинанинг қуйидаги фикрларига қўшилиш мумкин : «бирор фикрга келмоқ – мавзу+ ғоя+ унинг амалдаги ижроси бирлигини аниқ кўра билишдан иборатдир» 34. Матбуотда биринчи асос – сўздир. Ғализ фикрни аниқ ва равшан ифодалаш мумкин эмас, образ кўриниши ва тасвир ҳусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Сўз, публицистиканинг ҳар қандай тури учун асосдир. Ҳар қандай шароитда ҳам муаллиф учун фикр аниқлиги асосий талаб мезони бўлиб хизмат қилади.

³⁴ Лазутина Г.В. Технология и методика журналистского творчества. М: МГУ, 1988, с 33.

3.1 Эркин Усмонов публицистикасида бадий мушоҳада

Журналистлик энг заҳматкаш касблардан бири. Журналист айни пайтда давлат арбоби, сиёсатчи, халқ маънавияти дунёсининг мироби. Мен қаламкашларга жуда катта ҳурмату эҳтиром билан қарайман. Уларнинг шароитларини яхшилаш, муаммоларини ҳал этишга ўз ҳиссамни қўшишга доим тайёрман.

Ислом Каримов

“Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса - миллат яшайди... Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади... Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта. Халқимиз орасидан мана шу ғоят машаққатли соҳага бутун ҳаёти ва ноёб истеъдодини бағишлаб, адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган ўлмас асарлар яратган буюк сўз санъаткорлари - уларни барчасининг номларини зикр этиш, албатта, кўп вақтни талаб қилган бўлур эди - етишиб чиққани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз...”³⁵.

Ўқувчи, кутубхонларнинг мақоласи, ёзган материаллари бир бора ҳам ўқиб кўрилмай баъзи тажрибали журналист қаламкаш аҳли, матбуот ходимлари иш столи устида қолиб кетмаслиги лозим. Талаб даражасида ёзилмаган, фикр аниқ-равшан ифодаланмаган бўлса-да, уларда ҳаёт нафаси, бугунги реал турмушимизнинг реал манзаралари, илғамаётган,

³⁵ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 139 б.

эътиборимиздан четда қолаётган жиддий муаммолар ҳам кўтариладики, синчиклаб ўрганилса, муҳим бир тадқиқотга, журналист кузатувчига асос бўлиши мумкин. Матбуотга келган ҳар бир хатларни ёзувчиси хоҳ ёш бўлсин, хоҳ катта бўлишиги қарамай назардан четда қолмаслиги керак. Тахририятга келган мактабларга жавоб ёзиш лозим, чунки уни натижасида интизорлик ила кутадиган эндигина кўлига қалам олган ўқувчини шаштини сўндирмаслик лозим. Уларга маҳорат мактабида ёзиш йўл-йўриқлари йўлланмаларини кўрсатиш, маслаҳатлар берилиши жоиз. Бу эса ниҳол сув, куёш, ўғит, боғбонсиз кўкармаганилиги каби ёш хаваскор қаламкашлар маслаҳат кўрсатма сув ва ҳаводек зарур.

ЭРКИН УСМОНОВ “Қўшжоновнинг устози” мақоласида қуйидаги сўзларида жадал суратлар ила матбуот соҳасининг тараққий топаётгани, газета – журналлар сони, тури ва тиражи ортиб бораётганлиги журналистлар зиммасига катта масъулият юклаши, рақобатнинг кучайиши, савия салоҳиятини ошириш, ижодни турини, китобхоннинг эҳтиёжларига мос мавзу маълумотларни бериш кўпайтириш, матбуотда чоп этиладиган маълумотларни маъно-мазмунига, сўз жумла-ибораларни қўлланишига эътибор қаратиш, жаҳон андозаларига мос келиши, талаб даражасида бўлиши таъкидланган: “газета-журнал деганингиз кўпайганидан кўпайиб, таҳлил ва таҳрир санъати оқсоқ ўрнакдан лапанглаб қолган бир пайтда. Маҳмуд ака бутун умрини таҳрирга бағишлади, сўз учун курашди, топгани, топмагани шу сўз туфайли бўлди. Унинг талабчанлиги гоҳо шу даражада ошиб кетадики, бундан хом-хатала ёзадиган муаллифлар эмас, кўпроқ ўзи азият чекади”.

ХУЛОСА

Президент И.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида “бугунги кунда таълим - тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон

талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур”лигини таъкидлаган эди.”³⁶.

Эркин матбуот жамият ҳаётининг ўзига хос кўзгуси ҳисобланади. Мамлакат ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар юз бераётган бошқарув тизими, ижтимоий-сиёсий тамойиллар, маънавий-ахлоқий кадриятлар ҳам ўзгаради, миллий ривожланишнинг янги вазифалари, марралари белгилаб олинади. Демакки, оммавий ахборот воситалари жамиятнинг фаол демократик институтларидан бири сифатида янги ғоя ва янги мафкура тамойилларининг толмас тарғиботчисига, таъсирчан минбарга айланади.

Журналистика соҳасида танқид-тахлил публицистика ҳамиша навқирондир. Зеро бадиий асар борки, унинг талқинчиси ҳам мавжуд. Мумтоз адабиётшуносликда турлича номлар билан аталган адабий танқид Х1Х асрнинг охири ва ХХ аср бошларида турли хил ички ва ташқи омиллар, ўзгаришлар натижасида профессионаллаша бошлади, адабий жараён билан узвий боғлиқликда шакллана борди. Адабий-танқидий қарашларни, танқид тафаккурини янгилаб турадиган изланишлар М. Қўшжонов, А.Мелибоев, О. Шарафиддинов, Н. Худойберганов, И. Ғафуров, У. Норматов каби адиб яратган мақолаларида ҳам адабиётнинг долзарб муаммоларига эътибор қаратдилар. Шу ўринда айтиш керакки, журналистикада бир муаммо мавжуд, у ҳам бўлса, журналистика таълимида журналистика фаолиятини устоз ЭРКИН УСМОНОВ сингари таҳлилий – танқид қилаолдиган кадрлар етишмаслиги бўлиб, уларнинг тайёрлаш ҳам жуда муҳим. Яна журналистшунос тайёрлаш бугунги кун вақтида ҳамда мустақил муҳокама қилиши, муаммоларни тезроқ ҳал этилишига замин тайёрлайди деб ҳисоблаймиз. Аслида ҳар бир ижодкор ўзини тўла кашф этиш имкониятига эга. Бунда ақлий имкониятлари билан биргаликда, меҳнат қилиш ва бошқа жараёнлар таъсир этади. Ижодкор маҳорати бирдан чўққига чиқмайди, аста-секин шаклланди, тарбияланади. Шундек чўққига муяссар бўлган устоз

³⁶ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 129 бет.

ЭРКИН УСМОҲОВнинг маслаҳат, панду–насиҳатлари, танбехларини ўринли қабул қилиб, ўзимиздаги, жамиятдаги камчилик нуқсонларни ҳал этсак, такрорламасак, доимо маънавият-маърифат зиё нурини таратсак, мунаввар айласак ҳамда масалаларини ёритиш бўйича муаллиф таклифлар амалга тадбиқ этилса, соҳани ривожлантиришга хизмат қилади, деган умиддамиз. Шунингдек, бўлажак журналистлар, хонанда-санъат ходимлар муаллиф фикридан ўринли хусола чиқаришса мақсадга мувофиқ бўларди. Муайян бир асарнинг яратилишида қайсидир сабаб кўпроқ асосий туртки вазифасини ўтайди. Мисол учун кимдир кўнгилдаги гапни айтиш учун ёзади, кимдир... Энг ачинарлиси, бундай “асар”лар бачкана ва сунъий эпизодлари енгил юки билан ўқувчиларни чалғитмоқда. Том-том қийматсиз асардан кўра биргина исратли ҳаққоний публицистик мақола ўқиб маънавий озук олиш мумкин.

ЭРКИН УСМОҲОВнинг қайси публицистикасининг ўқимайлик, унда муаллифнинг ички бир туйёнлари сезилиб туради. ЭРКИН УСМОҲОВ ижодида бадиий образлилигини, бадииятини таъминловчи асосий тушунчалар ҳисобланган бадиий-эстетикасини ташкил этиши кўрсатилди. Тадқиқотда адабий танқиднинг ижтимоий-сиёсий соҳаси сифатида публицистикани тадқиқ этишда унинг ўзига хос жиҳатларини, бадиий публицистик унсурларини ижодкорнинг маҳорати нуқтаи назаридан талқин этиш баробарида одам ва олам, шахс ва жамият ҳақидаги муносабатининг ҳам акс этиши қатор мисоллар билан кўрсатилади.

Адабий танқидни янгиловчи ташқи омиллар ҳақида гапирилганда ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар назарда тутилди. Жумладан, ички омиллар деганда энг аввало танқидчи тафаккуридаги ўзгаришлар, дунёқараш, мунаққид маҳорати интуицияси, ўзлиги масаласига катта эътибор қаратилди, бу ҳал қилувчи омиллар сифатида қайд этилди. Шунингдек, адабий жараёндаги янгиланишлар ҳам, яъни яратилаётган янги асарлар ҳам ташқи омил манбалари сифатида қайд этилди. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, публицистика борасида, Мелибоевнинг мавзу кўлами ниҳоятда кенг бўлиб биргина маданий - маърифий, ижтимоий - сиёсий, ахлоқий - одобий,

журналистика - санъат муаммоларига бағишланган танқидий-таҳлилий изланишлар ғоят кенг қамровлидир. Буларнинг барчасини биргина тадқиқот доирасида қамраб олиш мушкул ва имконсиз. Шу боис ҳам диссертацияда танқидий-таҳлилий асослари ва янгилаш жараёнларини белгилаш билан бир қаторда етакчи тамойиллардан ҳисобланган XX аср публицистика намоёндалари Бехбудий, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Қахҳор, каби ижодкорлар ижодига оид публицистик изланишлари, ижодлари бугунги кун учун муҳим жиҳатлари ҳамда ЭРКИН УСМОҲОВнинг публицистикасининг ҳозирги замон учун долзарб жиҳатлари тадқиқ этилди.

Ушбу кузатишлардан келиб чиқиб малакавий битирув ишида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Публицистика барча замонда маданият-маърифат, таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, эстетика уруғини ёйишга хизмат қилади. Публицистика даврни ёрқин акс садосидир.

2. Юқорида номлари зикр этилган жаҳид ижодкорлар ижодидаги мавзу боқий ҳисобланиб, бугунги публицистикага асос бўлаётдир. Публицистика барча даврларда адабий-бадиий ижод учун долзарб ўрин тутди. Жаҳид адиблар ижодини чуқур ўрганиш ҳамда асраб-авайлаш керак.

3. Барча даврда публицистик ижодда жамият муаммолари, халқ ҳаётини талқин қилади. Ҳамда шарқ менталитетига хос бўлган инсонийлик тамойилларига асосланди.

4. Публицистик ижод холисликка, объективликка, ҳаққонийликка том маънодаги эстетик мезонларга асосланди.

5. Янги публицистик танқиднинг вужудга келиши ва шаклланишида дунёқараш, танқидий тафаккурнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Шунингдек ташқи омиллар ҳисобланган ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга катта эътибор қаратишга асосланади.

6. Бугунги кун билан бир аср аввал публицистика солиштириган, манбаларга асосланган ҳолда публицистика давр, жамият, ёшларни комил инсон сифатида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

7. Публицистик ижодкор асарнинг яратилиш жараёни ижодкорнинг ўша пайтдаги руҳий ҳолати, ҳаётида кечган ижтимоий, сиёсий воқеа-ҳодисалар, муносабатлар ва бошқа таъсирлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиб, яхлит талқин этиш муаллифнинг қираларини очишга ёрдам беради.

8. Публицистик руҳдаги ғояларига маълум даражада хизмат қилган ижодкорлар ижодини баҳолашда инсонийлик тамойиллари бош мезон эканлиги таҳлиллар билан кўрсатилди. Ижодга оид ҳурфикрлилик (плюреализм) асосий мезон ҳисобланади.

“Журналист аҳлининг меҳнати, одамларга, жамоатчиликка таъсири ҳақида шахсан мен доим юксак фикрдаман. Матбуот минбаридан айтилган сўз қандай қудратли акс садо бериши мумкинлигини, унинг таъсири ва самарасини ошириш аввало сизларнинг маҳоратингиз, ижтимоий позициянгиз, инсоний ва ижодий фазилатларингизга, ҳамиша масъулият туйғуси билан иш олиб боришингизга боғлиқ эканини миллионлаб муштарийлар яхши билади ва сиздан айнан шуни кутади” . Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги демократик жамиятда ҳам ўтмишдан сабоқ олиб, бой тажрибамизга таяниб, жамиятни давлат билан алоқага киритувчи асосий бўғин оммавий ахборот восита тармоқларини замонавий техника, сифатли, яъни ўз касбининг фидоийси бўла оладиган, янгича фикрлайдиган кадрлар тизими билан уйғунлаштириш зарурияти айнан ҳозирги шароитдаги энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Педагогик тажрибага асосан шуни таъкидлаб ўтишни жоиз деб топдим, ёш-ўспиринларни таълим-тарбиясини бузилиб кетишига шароит, муҳит таъсирчан омил ҳисобланади. Асосан, ота-онаси ўзга чет давлатларда бўлган қаровсиз болалар, вилоятдан Тошкентга ижарада туриб ўқийдиган талабалар, меҳрибонлик уйида тарбияланувчи болалар орасида жиноят содир этиш

ҳолати кўпроқ. Шунинг учун, устоз ота-она бўлиб, ҳам таълим, ҳам тарбиявий ишларини олиб бориш лозим. Мустақил теран фикрлашни, тўғри таҳлил мушоада қилиб баҳолашга, оқу қорани, яхши-ёмони ажратишга, бардош ила муаммоларни ҳал эта олишга ўргатмоқ лозим. Сабаб, вилоятдаги ота-она кўзини қорачиғи, жону вужуди фарзандини устоз пирларга ишониб Тошкентга ўқишга юборади. Биз ўзимизга билдирилган ишончни оқлаб масъулиятни читкидилдан бажаришимиз лозим. Ёшларни турли ғоявий-мафкуравий оқимдан саклаш, ватқдан унумли фойдаланиши учун кўпроқ бадий асарлар, адабиётдан бахраманд бўлишларини маслаҳат берамиз. Хулоса қилиб айтиш керакки, бола таълим-тарбиясида бефарқ бўлмайлик керак. Машҳур файласуфлардан бири ана шу ҳаётӣ ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: “Душманлардан кўркма - нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўркма - нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрк - улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади”.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Қонун ва қарорлар

1. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ОАВлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида// “Ўзбекистон матбуоти” 1995й № 6- ПФ
2. “Журналистика фаолиятини химоя қилиш тўғрисида. Ўзбекистон қонуни. (4 ҳокимият китоби –1998)
3. “Ахборот эркинлиги принципи ва қафолотлар тўғрисида” қонун Халқ сўзи 07.02.2003й
4. ОАВ тўғрисида қонун //Т: 2003й
5. Тўртинчи ҳокимият: Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлар тўплами” – Тошкент: “Ўзбекистон” 1998, 2003й

I. Расмий ҳужжатлар ва материаллар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Оммавий ахборат фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. –Т., 2009.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
2. Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11- жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
3. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимиз ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2007.-318 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
5. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.24.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
7. Каримов И.А. “Оммавий ахборот воситалари кунига байрам табриги ” //Халқ сўзи, 2011 йил 28 июнь сони

Асосий адабиётлар

1. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник .- С.Пб. 1999.
2. Нестеренко Ф.П., Казем М., Ирназаров К.Т., Маматова и др. Словарь – справочник: журналистика, реклама, паблик рилейшнз. Т.: “Заркалам”нашриёти, 2003.

1. Усмонов Э. “Биров бўлиб яшаш осонми?..” – Т.: “Навруз” нашриёти, 2011. – 100 б.
2. Усмонов Э. Хайратларга тўла дунё. - Т.: “Минҳож” нашриёти, 2005. – 127 б.
3. Усмонов Эркин, Зиё Зоир. Сиз у ёндан, биз бу ёндан (ҳажвиялар) Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009й, 136 б.
4. Усмонов Э. Қатортол томонларда: (қисса ва ҳикоялар) – Тошкент, “Зарқалам” нашриёти, 2006. – 136 б.
5. Қозоқбоев “Журналистика асослари”
6. Тошалиев И. ОАВларининг тили ва услуги . -Т.:ЎзМУ, 2000
7. Тохиров З. Журналистика миллатининг қисқача изохли луғати. -Т.: Зайқайнар, 2003
8. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. -Т.:ЎзМУ,2008
9. Худойкулов М. ОАВлари назарияси. (Маъруза матни) -Т.: ЎзМУ, 1999
10. Худойкулов М. Матбуот эркинлиги.// “Ўзбекистон Миллий энциклопедия”, № 5 2003
11. Худайбергандов М. “Журналистикага кириш” 2005 й
12. Жабборов С.М. ОАВлари қонунчилиги, Маъруза матни, Т: ЎзМУ, 2000й
13. Дўстмуҳаммад Х. “Журналистика касби ва одоби” 2007й
14. Дўстмуҳаммад Х. “Журналистика касб одоби муаммолари”
15. Қўнғуров Р. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Т. 1992
16. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлари – Т.: Ўзбекистон Миллий матбуот маркази, 2003.
17. Саримсоқов И.Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: 2004.
18. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 4-том, 192-193 б.

IV. Журнал ва газеталар.

1. Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2009-2012 йиллар тахлами.
2. “Театр” журнали, 2006 – 2013 йиллардаги сонлари.

V. Интернет материаллари

1. [http:// www. press-info.uz](http://www.press-info.uz)
2. [http:// www. uza/uz](http://www.uza/uz)
3. www.ziyo.net